

БАНК ИННОВАЦИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШДАГИ ИЛГОР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ходжимамедов Акмал Ашурович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мустақил изланувчиси. Самарқанд,
Ўзбекистон. E-mail: khodjimamedov@rambler.ru, <https://orcid.org/0000-0002-0876-6671>

ADVANCED FOREIGN EXPERIENCE IN INTRODUCING BANKING INNOVATIONS AND OPPORTUNITIES TO USE IT

Khodjimamedov Akmal Ashurovich

Independent researcher Samarkand institute of economics and service, Samarkand, Uzbekistan.
E-mail: khodjimamedov@rambler.ru, <https://orcid.org/0000-0002-0876-6671>

JEL Classification: E58, O3, O31

Аннотация. Банк фаолиятининг жаҳон бозори таҳлили анъанавий банклар, нео-банклар ва молиявий технология компаниялари ўртасидаги рақобат кучайиб бораётгани ҳақида хулоса қилиш имконини беради. Мазкур умумий тенденция банклар учун хосдир. McKinsey томонидан ўтказилган таҳлилга кўра сўнгги йилларда дунё мамлакатларида айнан рақамли банклар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ушбу банкларнинг бозорда анъанавий банклар билан рақобатлашувининг кучайишига ва бунга мос равишда миқозлар кўламнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Чунки рақамли банклар томонидан миқозларга кўрсатиладиган молиявий хизмат турларининг кенгайиб бориши ҳамда ушбу хизматларнинг қулайлиги миқозларни жалб этишига имкон яратади.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти глобаллашиб бораётган бир даврда, иқтисодиётни рақамлаштириш, унда рақамли технологияларни қўллаш билан боғлиқ бўлган жараёнларни янги босқичга ўтказиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга

мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида республикада фаолият юритаётган тижорат банклари олдига бир қатор муҳим вазифалар қўйилган. Жумладан, замонавий молиявий хизматлар, операциялар ва технологияларни (финтех) ҳамда нақд пулсиз тўловларни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиб, бунда, илгор хорижий тажрибадан фойдаланиш кабилар назарда тутилган.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда банклар фаолияти самарадорлигини ошириш, уларни молиявий барқарорлигини таъминлаш, банк миқозлари базасини кенгайтириш учун банклар ўз фаолиятида инновацион маҳсулот ва хизматларни жорий этишлари банклар олдига турган муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, ушбу соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш кераклигини ҳамда танланган мавзунинг долзарб мавзулардан бири эканлигини англатади. Молия бозорида маҳаллий ва хорижий банклар, шунингдек, бошқа нобанк кредит ташиқлотлари ўртасида юзага келган кучли рақобат муҳитида у ёки бу даврда кучли инструмент бўлиши мумкин бўлган инновацияларни ишлаб чиқишининг хориж

тажрибаси ва амалиёти, уларнинг жорий этилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, тадқиқот натижасида банкларда рақамли технологиялардан фойдаланиш муаммолари ўрганилиб, таҳлил этилган.

Мазкур мақолада банк инновацияларини жорий этишининг хориж тажрибаси ва амалиёти ўрганилган бўлиб, улардан фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилган.

Abstract. The analysis of the world market of banking activity allows us to conclude that the competition between traditional banks, neo-banks and financial technology companies is intensifying. This general trend is typical for banks. According to the analysis carried out by McKinsey, in recent years, the measures aimed at developing the activities of digital banks in the countries of the world have led to the strengthening of the competition of these banks with traditional banks in the market and the corresponding increase in the number of customers. Because the expansion of the types of financial services provided to customers by digital banks and the convenience of these services make it possible to attract customers.

Today, at a time when the world economy is becoming globalized, digitalization of the economy, transfer of the processes related to the use of digital technologies to a new stage is considered one of the urgent issues of today. The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Development Strategy of the New Uzbekistan for 2022-2026" sets a number of important tasks for the commercial banks operating in the republic. In particular, by developing a program for the development of modern financial services, operations and technologies (fintex) and non-cash payments, it is envisaged to use advanced foreign experience.

Based on this, one of the important tasks facing banks today is to introduce innovative products and services in order to increase the efficiency of banks' activities, ensure their financial stability, and expand the bank's customer base. This, in turn, means that it is necessary to carry out scientific research in this field and that the chosen topic is one of the actual topics. Special attention is paid to the foreign experience and practice of developing innovations that can be a powerful instrument at one time or another in the environment of strong competition between domestic and foreign banks, as well as other non-bank credit organizations, and their implementation. Also, as a result of the research, the problems of using digital technologies in banks were studied and analyzed.

This article examines the foreign experience and practice of introducing banking innovations, and examines the possibilities of their use.

Калим сўзлар. Рақамли технология, банк, банк хизматлари, инновация, Big Data, блокчейн.

Keywords. Digital technology, banking, banking services, innovation, Big Data, blockchain.

Кириш. Рўс таҳлилий агентлиги банклар тузилмасининг трансформацияси front ва back офисларга тегишлилигини қайд этган ҳолда кейинги ўн йилликда АҚШда банкларнинг учта бўлинмасини, Скандинавия мамлакатларида эса иккита бўлинмасининг қисқариб боришини прогноз қилган. Европа Марказий банки 2025 йилга бориб банк бўлимлари миқдорининг 40-50 фоизга қисқаришини прогноз қилган [1].

Молиявий соҳадаги глобаллашув, интеграциялашув ва либераллашув жараёнлари бирлашиш ва кўшиб олишларнинг ўсишига олиб келган ҳолда

банклар интеграциялашув шакллари ҳамда уларнинг нобанк молия-кредит ташкилотлари билан кооперациясини кенгайтирмоқда, шунингдек IT компаниялари билан биргаликдаги лойиҳаларнинг ривожланишига имкон яратмоқда. Молиявий сектордаги банк хизматларини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион технологиялар шакллантириладиган афзалликлар ҳисобига хизматларнинг самарадорлигини оширади.

Рақамли технологиялардан фойдаланиш ушбу бозорда тақдим этиладиган маҳсулот ва хизматлар нархини пасайтириш ва соддалаштириш орқали рақобатнинг кучайишига олиб келади. Бунинг сабаби, рақамлаштиришгача бўлган даврда даромадларнинг ўсиши банк бизнесининг кўламини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган. Рақамли иқтисодиётда жуда содда ва кенгайтириладиган арзон нархлардаги IT платформаларининг комбинацияси содир бўлади. Бу ҳолат энг муваффақиятли банкларга қисқа вақт ичида ўз бизнесида сезиларли ўсишга эришиш имконини беради.

Офислари ва ҳатто банкоматлари бўлмаган тўлиқ рақамли банклар сони доимий равишда ўсиб бормоқда. Ушбу банклар мижозлар маълумотларини ва рақамли технологиялардан фойдаланишда уларнинг афзалликларини таҳлил қилишга эътибор қаратади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банклари рақобатбардошлигининг ўсиши қуйидаги омиллар билан белгиланади:

– маҳсулот турлари ва таклиф этиладиган хизматлардан фойдаланиш юзасидан қулай шарт-шароит яратилади;

– молия бозори тез ўзгарувчан истеъмол талабига мувофиқ ҳолда бошқарилади;

– янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш тезлиги амалда банк бизнесининг трендида қолиш имконини берувчи асосий омил ҳисобланади;

– жаҳон молия секторидаги илғор инновацияларга мос равишда ишлаб чиқариш қобилиятининг ошиши;

– миллий иқтисодиётда sanoatlashish даражасини оширишга қаратилган тенденциялар тадбиркорлик инновацияларига асосланган иқтисодиётни яратиш, илмий ва амалий асосланган рақамли глобал иқтисодиёт шакллантиришга бевосита боғлиқдир.

Банк соҳасида молиявий технология инновацияларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, биринчи навбатда, рақамли мослашув орқали уларнинг рақобатбардош позицияларини мустаҳкамлаш ва мижозлар эҳтиёжларига эътибор қаратиш зарурати билан боғлиқ [2]. Фикримизча, банклар фаолиятининг ўзига хослиги шундаки, ресурсларининг катта қисми жалб қилинган ва қарз маблағлари ҳисобидан шаклланади, банкларнинг имкониятлари эса юқори даражадаги рақобат билан чегараланади.

Банк рақобатининг ўсиши ва шакллариининг мураккаблиги банкларнинг сони, хизматлар доирасининг доимий равишда кенгайиши, нарх рақобатини нархсиз рақобатга айлантирадиган молиявий технологияларнинг жадал ривожланиши билан белгиланади. Айни пайтда айнан инновациялар банкларни юқори фаолият даражасига олиб чиқиши, банк хизматлари бозоридаги мавқеини яхшилаш, мижозлар базасини кенгайтириш ва мижозларнинг содиқлигини ошириш имконини беради.

Материал ва метод. Мазкур мақолани ёзиш мобайнида, тижорат банклари фаолиятини рақамлаштиришнинг хориж тажрибасини ўрганиш, уни таҳлил этиш, рақамли технологияларни жорий этишдаги устуворликлар ва уларнинг афзаллик томонлари билан боғлиқ ҳолатларни ўрганиш ҳамда аналитик таҳлилларни олиб бориш вазифа қилиб белгиланди. Мазкур мақолада маълумотларни қиёслаш, мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаш ва қиёсий таққослаш каби усуллардан фойдаланилди.

Натижалар. Янги молиявий технологияларнинг пайдо бўладиган муҳим ўзига хос хусусияти бу – рақамли инновацион технологияларни жорий этиш бўлиб, у қуйидагиларда намоён бўлади [3]:

– мамлакат ҳудудини сезиларли даражада қамраб олиш ва салоҳиятли мижозлар сонининг кўпайиши. Бу банкларга деярли барча аҳоли пунктларини хизматлар билан қамраб олиш, банк хизматлари учун янги бозорларни очиш имконини берувчи масофавий банк хизматларини тўлақонли ишга тушириш шарти билан мумкин бўлади;

– операцион харажатларни камайтириш. Кўпгина тадқиқотчилар анъанавий технологиялар ва замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш асосида кўрсатиладиган хизматларнинг нархи таҳлилинини ўтказган ҳолда масофавий банк хизматларида харажатларни 16 бараварга, келажакда Lean ва blockchain технологияларидан фойдаланиш эса операцион харажатларни янада камайтиришга имкон беради деган хулосага келишди [4]. Кенг қамровли рақамли платформага тўлиқ ўтиш билан молия-кредит ташкилоти операцион

харажатларини сезиларли даражада камайтиради;

– бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоб, корхона аудити ва бошқалар каби қўшимча хизматлар бўйича комплекс хизматларни жорий этиш имконини берувчи масофавий банк хизматларига асосланган қўшимча хизматларни киритиш. Қўшимча хизматлар банкнинг мижозга йўналтирилган сиёсатини шакллантириш нуктаи назаридан даромадлар базасини кенгайтиришнинг оператив воситасидир;

– молия-кредит ташкилотининг шаклланаётган кредит портфелининг сифатини таҳлил қилиш нуктаи назаридан молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш самарадорлиги тўғрисидаги маълумотларни ошқор қилиш. Рақамли технологиялар мижозлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва уларнинг операцион тузилмасини таҳлил қилиш ҳамда мижоз ёки қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги нуктаи назаридан мустақил баҳолашни амалга ошириш имконини беради;

– фаолият жараёнида инсон иштироки туфайли юзага келадиган хатоларни сезиларли даражада камайтириш учун шароит яратиш. Рақамли технологияларни жорий қилишда дастурий таъминот қобиғи молия-кредит институти фаолиятида қарор қабул қилишда операцион ва стратегик хатолар нуктаи назаридан риск ва салбий оқибатларни бартараф этишга имкон беради;

– операцион харажатларни сезиларли даражада камайтириш, самарали скорингни жорий этиш, банк хизматларини виртуал ҳудудий қамраб олиш орқали банк фаолиятида юқори синергетик самарага эришиш [5]. Рақамли технологиялар лойиҳалаштирилган ва яратилаётган банк маҳсулотларида

молиявий инновацияларни комплекс ривожлантириш учун рақамли

ривожланиш платформаларини яратиш имконини беради.

1-жадвал

Мижозлар базаси бўйича дунёдаги етакчи рақамли банклар¹

№	Банк номи	Мамлакат	Мижозлар сони (млн.)
1.	Nubank	Бразилия	35
2.	Revolut	Буюк Британия	15
3.	Tinkoff	Россия	13
4.	Chime	АҚШ	12
5.	RakutenBank	Япония	12
6.	Sofi	АҚШ	7,5
7.	MoneyLion	АҚШ	7,5
8.	N26	Германия	7
9.	S6 Bank	Бразилия	4
10.	Monzo	Буюк Британия	5


Юқоридаги қайд этилган технологик афзалликлар банк фаолиятига ва унинг бутун технологиясига таъсир кўрсатган ҳолда банк фаолиятининг энг муҳим хусусиятларини, жумладан унинг молиявий барқарорлигини ва банк рентабеллиги нуқтаи назаридан фаолият самарадорлигини ошириш, шу орқали рақобатбардошликни таъминлаш ҳисобига шаклланишини белгилаб беради. Тўлов технологияларидаги ўзгаришлар динамикаси қуйидаги келтирилган расмда ифодаланган (1-расм).

Янги технологик инновациялар ўсишининг сабаби аҳолининг асосий қисми томонидан кенг қўлланиладиган шахсий компьютерлар ва мобил гаджетлар орқали турли хил ахборот ва савдо соҳаларида масофавий хизмат

кўрсатиш каналларидан фойдаланувчилар сонининг фаол ўсиши, шунингдек ойига камида икки ёки учта транзакция амалга оширадиган масофавий банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг доимий равишда ўсиб бораётган улуши ҳисобланади.

Масофавий банк хизматларининг мавжуд рақамли моделларини доимий равишда ривожлантириш ва модернизация қилиш, биринчи навбатда, мавжудларини такомиллаштириш ва бутунлай янги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқиш орқали молия институтлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган хизматлар кесимида миждозларга масофавий хизматларни максимал даражада тақдим этишга қаратилган тубдан фарқли вазифаларнинг пайдо бўлишига олиб келади [6].

¹ Манба: <https://topmobilebanks.com/blog/biggest-digital-banks-2021>




1-расм. Замонавий тўлов турларидан фойдаланиш, фойдаланувчилар фоизда².

Фикримизча, рақамлаштириш ва масофавий банк хизматларининг тубдан такомиллашган тизимини барпо этишнинг ҳозирги боскичида худудидан қатъий назар, муттасил ўсиб бораётган мижозлар базасини шакллантириш ва молия-кредит институтларининг рақобатбардошлиги учун курашда муваффақият гаровидир. Масофавий банк хизматлари тизимини такомиллаштирган ҳолда интернет-банкнинг орқали молиявий хизмат кўрсатувчилар масофавий банк хизматларининг мавжуд тўлов функцияларини изчил кенгайтириб, уни

янгилаб, жисмоний шахсларга шахсий молиялаштириш соҳасида кўрсатилиши мумкин бўлган хизматлар кўламини кенгайтирмоқда.

Statista порталида эълон қилинган маълумотларга кўра, электрон тижоратдан чакана даромад 2021 йилда 4,88 триллион долларгача ошган (2-расм).

Қуйидаги келтирилган расмда кўрсатилганидек, 2014 йилдан буён сотувлар ва шунга мос равишда онлайн-дўконларнинг даромадлари барқарор ўсиб бормоқда.



2-расм. 2014-2021 йилларда жаҳонда электрон савдо ҳажмларининг ўзгариш динамикаси (млрд. АҚШ долларида)³

² Манба: <https://mediascope.net/>

³ Манба: <https://www.statista.com/studies-and-reports/digital-and-trends>

Ушбу расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, жаҳон мамлакатларида масофавий хизматлар кўрсатиш амалиётининг ривожланишига мос ҳолда электрон савдо ҳажми ҳам мос равишда ортиб бормоқда. Жумладан, 2021 йилда жаҳонда жами электрон савдо ҳажмлари 4,9 трлн. АҚШ долларини ташкил этган ҳолда 2014 йилга нисбатан қарийб 4 баробарга ошган.

Иқтисодийни рақамлаштириш шароитида банк фаолияти муваффақияти ва рақобатбардошлигини тавсифловчи асосий омиллар банк хизматларининг шаклланаётган рақамли моделининг муҳим ўзига хос хусусиятларини тавсифловчи банкда масофавий банк хизматининг тизимли аҳамиятга эга кўрсаткичлар ҳисобланади.

Масофавий банк хизматлари кўрсатишнинг биринчи асосий кўрсаткичи банк хизматлари хавфсизлиги таъминланганлиги кўрсаткичидир. Банк хизматларининг трансформацияланаётган соҳаси банк сектори иқтисодий барқарорлигининг муҳим хусусияти бўлиб, банк мижозлари ва бошқа тоифадаги фуқароларнинг молиявий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Мунозара. Молия-кредит муассасасининг ҳар томонлама хавфсизлигини таъминлашнинг мукамал концепциясини ишлаб чиқиш банкларда масофавий хизматларни тақдим этиш ва унинг хавфсизлигида муҳим рол ўйнайди [7]. Ушбу концепцияда банк хавфсизлик хизматининг эътиборини талаб қиладиган объектларнинг асосий йирик гуруҳлари сифатида қуйидагиларни белгилаш

мақсадга мувофиқ: - ходимларни кичик гуруҳларга бўлиш: олий менежмент, менежмент ва оддий ходимлар; молиявий маблағлар хавфсизлигини таъминлаш махсус гуруҳга ажратилади; моддий бойликларни ўз ичига олган гуруҳ; жорий қилинган ва ишлаб чиқилган технологиялар; тижорат сири бўлган чекланган фойдаланиш имкониятига эга маълумотларни тақдим этиш контекстида ахборот ресурсларини ҳимоя қилишни таъминловчи гуруҳ.

Банк технологиялари хизматлари соҳасида ички ва ташқи омиллардан турли даражадаги ахборот хавфсизлигини талаб қилувчи ушбу блокларни самарали ҳимоя қилиш тизимини яратиш масаласидир.

Молиявий хизматларга янги рақамли технологияларни жорий этишнинг ажралмас масаласи бир вақтнинг ўзида амалга оширилаётган дастурлар даражасига мос келадиган, қурилаётган дастур архитектурасига хавфсизлик блокларини киритиш ҳисобланади.

Ривожланаётган ва доимий такомиллаштириб борилаётган банк фаолиятидаги энг мураккаб ва талаб қилинадиган соҳа бу фойдаланувчи идентификаторларининг ҳақиқийлигини текшириш ва мавзуни тасдиқлашга қаратилган аутентификация хизмати орқали тижорат банкининг бутун тузилмасини ахборотдан ҳимоя қилишдир.

Банк мижозлари билан ишлаш жараёнида мижоз аутентификациясининг асосий усуллари қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Банк хизматини аутентификация қилиш усуллари⁴

Усул	Тавсифи
------	---------

⁴ Илмий тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Жисмоний	Мижозни ҳужжатли сертификатлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи асосида
Электрон	Пластик "чип" карта ёки контактсиз NFC (Near-field communication) технологиясига эга карта ёрдамида тасдиқлашдан фойдаланишга асосланган
Пароль киритиш орқали	Кўп марталик ва бир марталик пароллар ёки вақтинчалик паролларни жорий этиш бўйича тадбирларни амалга ошириш
Биометрик	Мижознинг биометрик маълумотларини ўқиш орқали киришни таъминлаш: бармоқ излари, овозли парол, face control, сенсорли паролни киритиш усули
Омилли	Комбинатив, бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ идентификациялаш усулларини бирлаштирган

Ҳар қандай банк ўз мижозлари ҳақидаги маълумотларни тўплайди ва сақлайди. Йиғилган мижоз маълумотлари тартиблаштирилади, чунки у ўзида алоҳида ажратилган ёки умумлашган маълумотлар базасини мужассам этади.

Уларнинг тузилиши қуйидаги маълумотлар гуруҳлари бўйича амалга оширилади: рўйхатга олиш карталари, мавжуд ва ёпиқ мижоз шартномалари маълумотлар базаси; мижозларнинг маълумотлари базаси; мижозлар фойдаланадиган банк маҳсулотлари бўйича шакланган маълумотлар базаси.

Маълумотларни тўплаш ва сақлаш учун қўлланиладиган усулларнинг такомиллашуви қўлланиладиган банк технологиялари ривожланиши билан бирга содир бўлади.

Молия-кредит ташкилотларида мижозлар маълумотларини сақлаш усулларининг тадрижий ривожланишини кўрадиган бўлсак, улар катта ҳажмли қоғозли файл картотекалари, электрон маълумотлар ташувчилари ва Data-марказлар томонидан шакллантирилган

тўғридан-тўғри файл картотекаларидан бошланади ҳамда маълумотлар марказлаштирилган ва масофавий Data-марказларида ахборот каналлари тизими орқали кейинчалик қайта форматланади.


Бу жараёнда молия-кредит институтларининг мижозларига оид бўлган маълумотларни умумлаштириш ва доимий мониторинг қилиб бориш имконияти чекланади, шу сабабли мазкур институтлар фаолиятига инновацион ёндошувлар асосида ишлаб чиқилган узлуксиз форматда ишлаш хусусиятига эга бўлган маълумотлар базасини жорий этиш орқали улардаги иш жараёнини енгиллаштириш ҳамда зарур маълумотларни таҳлил қилиш асосида молиявий қарорлар қабул қилишга имкон яратилади [8].

Замонавий шароитда мижозлар маълумотларини марказлаштириш, уларнинг юқори хавфсизлиги ва фойдаланиш қулайлигини, банк харажатларини сезиларли тежашни таъминловчи ва мижозларга хизмат кўрсатиш нуқтаи назаридан

тамойили бўйича филиаллар ишини ташкил этишга имкон берувчи муҳим афзалликларга эга бўлган марказлаштирилган Data-марказлар ёки маълумотларни қайта ишлаш марказлари яратилмоқда.

Банк хизматларининг рақамли моделига ўтиш шароитида мижозлар маълумотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича ихтисослаштирилган марказлар пайдо бўлди, уларни мувофиқлаштириш Интернет тармоғи орқали амалга оширилади. Принципиал жиҳатдан янги

босқич - бу Big Data воситаларини жорий этиш босқичи бўлиб, мижоз маълумотлари ва мижозлар буюртмаларини қайта ишлаш нуқтаи назаридан, бу давр XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида бошланди [9]. Ишлаб чиқилган тузилмали Big Data технологиялари ҳажми ва мазмуни бўйича тизимлаштирилмаган маълумотлар базаларини турли манбалардан жорий янгиланиши шарти билан параллел равишда қайта ишлаш имкониятини очди.



Рақамлаштириш шароитида масофавий банк технологияларининг ўзаро уйғунлиги банк мижозлари тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлаш мақсадида Big Data воситаларидан фойдаланишни ўз ичига олади, бу эса банк фаолияти самарадорлигининг ўсишига хисса қўшади ва талаб юқори бўлган инновацион маҳсулотларни шакллантириш, банк хизматлари бозорини кенгайтириш ва шу орқали банкларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш, уларнинг маҳсулот қаторини кенгайтириш имконини беради. Big Data технологияси мижоз маълумотларини бир неча сония ичида қайта ишлаш имкониятини яратади [10].

Бутун банк тузилмасини фаол автоматлаштириш қайта ишланган ахборот ҳажмини ўзгартирди. Масофавий банк хизматларининг жорий этилиши хизматлардан фойдаланиш бўйича ўрнатилган тизимларни автоматлаштириш билан бирга банк хизматлари бўйича бир марталик сўровлар ва доимий фойдаланувчилар сонининг кўпайишига олиб келди. Буларнинг барчаси қайта ишланган ахборотлар ҳажмининг тез суръатларда ўсишига олиб келди, бу эса банкларни автоматлаштириш бўлимлари иш ҳажмини сезиларли даражада оширди. Бошқа томондан, хизмат кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш бўлимлари бўйича операцион юклама қисқарди, бу эса банк фаолиятида трансформацион жараёнларга олиб келган ҳолда рақамлаштириш технологияларидан кенг фойдаланишга сабаб бўлди [11].

Мижозларни аутентификация қилиш тизимларини такомиллаштириш, жумладан, биометрик аутентификациядан фойдаланиш рақамлаштириш ва электрон рақамли имзоларни жорий этиш орқали банкка таширлар сонини камайтиради.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, офислар - банкларнинг ваколатхоналари қисқариши ва камайиши тенденцияси шароитида улар бутунлай йўқолмайди. Муҳим психологик омил - инсон омили бўлиб сунъий интеллект, ақлли роботлар ва чатботлар каби рақамли инновациялар ҳозирги вақтда жонли мулоқотни тўлиқ алмаштира олмайди. Ушбу блок молиявий жиҳатдан мураккаб тузилмавий маҳсулотлар ва хизматлар нуктаи назаридан, дастур скриптларидан четга чиқадиган муаммолар билан мижозларга маслаҳат беришни ўз ичига олади. Шунинг эътиборга олиш лозимки, ушбу блок VIP сегменти, ўсиш ёки қисқариш ҳолатида бўлган бизнес сегменти билан алоқани ҳам ўз ичига олади, бу эса консалтинг компонентини белгилайди.

Бундан ташқари, етарли даражада янгиликка эга ва ишончли обрўга эга бўлмаган Fintech хизматлари билан солиштирганда асосий банк устунлиги бўлиб юқори даражадаги ишонч ҳисобланади. Бу юқори технологияли молия компаниялари билан солиштирганда банк фаолиятини тартибга солиш ва суғурталашнинг амалдаги нормалари, жисмоний шахслар ва тадбиркорларнинг жалб қилинган маблағлари учун кафолатларнинг мавжудлигидан иборат бўлган анъанавий банкларнинг асосий устунлигидир [12]. Анъанавий банкларнинг имкониятларини Fintech хизматлари билан бирлаштириш банкларга мавжуд афзалликларни кенгайтириш имконини беради. Ушбу афзалликлар савдо (фойда олиш мақсадида валюталар, қимматли қоғозлар билан савдо қилиш) ва молиявий консалтинг операцияларининг технологик самарадорлигини ошириш билан боғлиқ, чунки банклар мавжудлигининг

устуворликлари анъанавий равишда кучлидир.

Анъанавий банклар ва Fintech компанияларининг афзалликларининг ўзаро бирлаштирилиши натижасида мижозлар ишончини ва мижозларга йўналтирилганликни ошириш учун имкониятларни кенгайтиришга шароит яратилади. PwC томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, анъанавий банкларнинг 95% дан ортиғи молиявий технологиякомпанияларининг жадал ривожланиши ва бозорни эгаллаши туфайли жиддий хавф остида. Сўровда қатнашган анъанавий банкларнинг 66% дан ортиғининг фикрича, асосий тахдид банкларнинг маржинал фойдасининг камайиши ҳисобланади [13].

Банк хизматларини такомиллаштириш масофавий банк технологиялари, инновацион маҳсулотларни жадал жорий этиш ва маҳсулот линияларида амалга оширилаётган кўп харажат талаб қилувчи технологик жараёнларни қатъий оптималлаштиришга асосланган рақамли хизматларнинг ривожланаётган соҳасига киради.

Технологик рақамли сиёсатни янада шакллантириш ва янги маҳсулотларни жорий этишнинг асоси бўлиб мижоз билан фаол ҳамкорлик ҳисобланади. Банк хизматларини кўрсатиш сифатининг муҳим кўрсаткичи ва банк хизматлари модели кўрсаткичлари банк хизматларини кўрсатишнинг янги каналларининг пайдо бўлиши сифатида намоён булади. Мижозларга банк хизматларини кўрсатиши доирасидаги анъанавий моделлар мижоз ва банк фронт-офиси ўртасидаги жисмоний алоқага асосланган. Масофавий банк хизматининг ривожланиши хизмат кўрсатиш каналлари таркибини янада кенгайтirdи: жумладан, телефон банкинг,

терминал банкинг, Интернет банкинг, ТВ банкинг, мобил банкинг. Янги технологиялар доирасидаги ушбу хизмат каналлари мижозларнинг банк маҳсулотлари ва хизматларидан масофадан туриб фойдаланишига асосланган.

Сўнги йилларда банк соҳасида молиявий технологияларнинг фаол ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, ташкилотлараро ҳамкорликда фойдаланиш учун шакллантирилган индивидуал ахборот маҳсулотларини ишлаб чиқишга муҳимэтибор қаратилмоқда. Бунга мисол қилиб, йирик банкларда тажриба тариқасида жорий этилаётганкросс-каналли интеллектуал ахборот тизимларини ишлаб чиқиш жараёнини келтириш мумкин. Бошқарувнинг интеллектуал тизимлари ва сунъий интеллект тизимлари бирламчи операцияларни ўтказиш ташаббускорлари билан кейинги назорат бўйича тесқари алоқани таъминлаш мақсадида алоҳида бўлинмалар ишида содир бўлаётган оғишларни онлайн мониторинг қилиш функциясига асосланган эди. Кейинчалик, ушбу технологиялар ички аудит амалиётида ва банк секторида мижоз билан мулоқот қилиш усулларида кенг ривожланиб борди.

Каналлараро ахборот ресурсларининг асосий функциялари кредит ташкилотининг юқори рақобатбардош янги маҳсулот ва хизматларни яратиш ҳамда самарадорлигини ошириш учун маълумотларни интеграциялашган ахборот тизимларига трансформациялаш зарурати билан боғлиқ. Бошқача айтганда, инсон ва интеллектуал капитални таркибий капиталга айлантиришга қаратилган рақамли технологияларнинг трансформацияси содир бўлмоқда. Каналлараро ахборот ресурсларининг

асосий вазифаси маълумотларни охириги фойдаланувчига етказиш самарадорлиги ва тезлигини ошириш мақсадида ахборот майдонида интеграция қилишдан иборат.

Хулоса. Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, рақамлаштириш банк фаолиятининг иш моделини ўзгартирмоқда, унинг хавфсизлиги ва самарадорлигини оширмоқда, банк хизматлари бозорида янги имкониятлар очмоқда деган хулосага келиш мумкин. Ушбу имкониятлар қуйидаги тақлифларда намоён бўлади:

1. Мижознинг банк инновацияларига бўлган талабини ошириш мақсадида, истеъмолчиларга янги маҳсулот ёки хизмат ҳақида тўлиқ маълумот етказиш;

2. Интернет тармоғи орқали банк маҳсулотлари ва хизматларини жорий этиш ҳамда инновацион фаолият доирасида банк ходимларининг малакасини ошириш;

3. Янги технологияларни қўллашга қодир бўлган ФинТех

компаниялар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва шу йўналишдаги старт-апларга инвестиция киритиш.

Банк соҳасида рақамли технологиялардан фойдаланишни рағбатлантириш рақамли банкингнинг фаол ривожланишини таъминлаган ҳолда барча учун фойдаланишга қулай интерфейсни шакллантиради ҳамда молиявий операцияларни техник ва банк хизматларидан оддий фойдаланувчиларга енгил бўлган тоифага ўтказиш имконини беради. Бунинг учун йирик банклар нафақат молиявий хизматлар билан боғлиқ кучларини бирлаштирибгина қолмай, балки каналлараро ахборот ресурсларини ўз фаолиятига интеграция қилиш учун оммавий онлайн хизматлар билан ташкилотлараро ўзаро ҳамкорликни йўлга қўядилар. Банк инновацияларининг жорий этилиши қўшимча рақобат устунлигини таъминлайди ва банкнинг рақобатбардошлиги унинг рақамлаштириш даражаси билан аниқланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Global FinTech Report, PwC, 2017 [Электронный ресурс]: <https://www.pwc.com/jg/en/publications/pwc-globalfintech-report-2017.pdf>.
2. Clement Achimba, Jared Opiyo Ongonga and oth. Innovation in Banking Industry: Achieving Customer Satisfaction. Open Journal of Business and Management, 2014, 2, 261-274.
3. Balyuk T, Davydenko S. 2018. Reintermediation in FinTech: evidence from online lending. Michael J. Brennan Irish Finance Working Paper Series Research paper No. 18-17.
4. Ломакин Н.И., Самородова И.А. Эффективность систем дистанционного банковского обслуживания клиентов // Пространство экономики. 2 009. №2 -2. С. 183-18655
5. Berg T, Burg V, Gombović A, Puri M. 2018. On the Rise of the FinTechs—Credit Scoring using Digital Footprints. Federal Deposit Insurance Corporation, Center for Financial Research WP 2018-04.
6. De Oliveira Santini, F.; Ladeira, W.J.; Sampaio, C.H.; Perin, M.G. Online banking services: A meta-analytic review and assessment of the impact of antecedents and consequents on satisfaction. J. Financ. Serv. Mark. 2018, 23, 168–178.
7. Концепция безопасности коммерческих банков // Е.Е. Акимов, С.М. Вишняков, А.П. Гуляев и др. [Электронный ресурс]: <http://www.bre.ru/securitv/14277.html>
8. Breidbach, C.F.; Keating, B.W.; Lim, C. Fintech: Research Directions to Explore the Digital Transformation of Financial Service Systems. J. Serv. TheoryPract. 2020, 30, 79–102.
9. Долгушина А., Полтораднева Н. Цифровая модель банковского обслуживания// Научно-технические ведомости СПбГТТУ. Экономические науки. №6(256).-2016.-с. 206-216.
10. Frost, J., Gambacorta, L., Huang, Y., Shin, H.S. and Zbinden, P. (2019), "BigTech and the changing structure of financial intermediation", Economic Policy, Vol. 34, Issue 100.
11. Skinner, C. Digital bank: Strategies to launch or become a digital bank. Singapore: Marshall Cavendish International (Asia) Pte.
12. Stulz, R. "FinTech, BigTech, and the future of banks", Dice Center Working Paper 19-20.
13. Global FinTech Report, PwC, 2017 [Электронный ресурс]: <https://www.pwc.com/jg/en/publications/pwc-globalfintech-report-2017.pdf>.
14. Ходжимамедов, А. 2022. ВОПРОСЫ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ НА ПРИМЕРЕ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a10. Экономика и образование. 23, 3 (июн. 2022), 66–71.
15. Ходжимамедов, А. 2022. Банк тизимини инновацион ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. 10, 4 (авг. 2022), 1–9. DOI:https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss4/a2.